



THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE FORMATION OF PHYSICS AND MODERN LESSONS.

B.Arzimbetova¹, Z.Xo‘janiyazova²

¹Senior Lecturer, Department of Methodology of Exact and Natural Sciences, Regional Center for Retraining and Advanced Training of Public Education of the Republic of Karakalpakstan,

²Physics, School No. 32, Khojaly District Teacher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4897912>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

innovation, technology, interfaol, competence

ABSTRACT

The article provides recommendations for teaching physics, the importance of innovative technologies in the formation of modern lessons and their application in the teaching process. These recommendations are aimed at improving the skills and abilities of teachers of physics.

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ, ЗАМОНАВИЙ ДАРСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Б. Арзымбетова¹, З.Хўжаниязова²

¹Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини орттириш ҳудудий маркази «Аниқ ва табиий фанлар методикаси» кафедрасининг катта ўқитувчиси,

²Хўжайли тумани 32-сонли мактабнинг физика фани ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

инновация, технология, интерфаол, компетенция.

ANNOTATSIYA

Мақолада физика фанини ўқитиш, замонавий дарсни шакллантиришда инновацион технологияларнинг аҳамияти ва уни дарс жараёнида қўллаш бўйича тавсиялар берилган. Ушбу тавсиялар физика фани ўқитувчиларининг малакаси ва маҳоратини оширишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда республикамиздаги барча халқ таълими муассасаларида замонавий педагогик технологияларга асосланган дарсларда фанларни ўқитишда фойдаланиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Илм ва техника тез суръатлар билан ривожланиши мустақил мамлакатимизда санъоат ва халқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мазмунини ўзгартириб юбормоқда. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришдаги бир қанча касблар, фақат



маълумотлар эмас, юқори ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрлаш, ижодкорлик қобилиятига эга касб эгаларини тайёрлашни талаб қилмоқда. Ҳар қандай педагогик технологиянинг таълим-тарбия жараёнида қўлланилиши алоҳида характердан келиб чиққан ҳолда ўқувчини ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганлигига боғлиқ бўлади. Бундай педагогик технологиянинг асоси ўтказилган машғулотлар ўқувчиларнинг зарурий ҳаёт мувофақиятлари ва муаммоларига ўз муносабатини билдиришга интилишларини қаноатлантириб, уларни фикрлашга, ўз диққатларини жамлашга имконият беради. Ҳозирги даврда пайдо бўлган инновацион жараёнларда халқ таълими тизими олдидаги муаммоларни ечиш учун янги маълумотларни ўрганиш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга, зарурий қарорлар қабул этувчи, мустақил ва еркин фикрлайдиган инсонлар керек. Халқ таълими муассасаларининг таълими-тарбия жараёнида замонавий ўқитиш усуллари интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Дарс жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилишига тегишли билимлар, тажриба ўқувчиларнинг етук билимга эга бўлишларини тامينлайди. Инновация – (инглиз тилида innovation)-янгилик киритувчи бўлиб ҳисобланади. Инновацион технологиялар педагогик жараён ва (ўқитувчи ва ўқувчи) хизматига янгилик ва ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан фойдаланилади. Умумий ўрта таълим берувчи мактаблар учун мўлжалланган компетенцияларни шакллантиришга асосланган таълим дастурида ўқувчиларнинг билиши зарур бўлган мажбурий билим, кўникма, малака

элементлари, компетенциялари ва стандарт даражалари аниқ кўрсатилган. Ёшларга таълим ва тарбия беришнинг аҳамиятли вазифаларини бажариш ўқитувчиларнинг дунёга кўз қараши, касб маҳорати, таланти ва маданиятига тўғри келувчи даражага боғлиқ. Таълим жараёнидаги айрим тажрибаларимизни ҳисобга олсак биринчи дарснинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Агарда ҳар бир фан ўқитувчиси биринчи дарсидаёқ кўргазмали, қизиқарли, жонли таълимни амалга оширгандагина дарснинг самарали бўлишига эришади. Ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини ҳосил қилишдан бошланган биринчи дарс –бу ўқувчи учун ҳам йўналиш беручи яъний йўл кўрсатувчи дарс бўла олади. Бундай шароитда ўқувчининг фанга бўлган ҳоҳиши ва қизиқишини ошириш билан ўқитувчининг ҳатти-ҳаракатлари мазмунли сўзлари ўткир нигоҳи ўқувчини кузатишга қаратилади. Ўқувчи ўқитувчиларнинг ҳар бир ҳатти ҳаракатига назар солиб, кузатиб, баҳо бериб уларнинг ҳаракатларини ўзларига намуна қилиб олади. Ўқитувчиларнинг янги дарсга қандай янгиликлар билан келганлигига ўқувчилар қизиқади. Шундай экан биринчи дарснинг ғоявий, назарий даражасини юқори билган ҳолда самарали дарс ўтишни назарда тутиш керак. Шунинг учун ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан берилган саволларга бераётган жавобларига қараб, ҳар бир ўқувчини дарсга фаол қатнашганлиги учун ҳаққоний рағбатлантириб борилса, ўқувчининг фанга бўлган қизиқиши ортади. Янги ўқув дастурининг таълим жараёнига тадбиқ этилиши ўқувчиларга берадиган билим мазмуни билан ўқитиш усуллари такомиллаштиришни талаб қилади. Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларнинг характерини ўрганиб бориши яхши самара



беради. Масалан синфда дарс жараёнида ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар ёнига бориб ,базарган топшириқларини кўриб, ҳато камчиликларини айтиб, айрим ўқувчиларни рағбатлантириб , уларга йўналиш бера олса, ўқувчини қизқишини орттириб борса, унинг ўқитувчига хурмати ошади, ўқувчиларнинг келажакда мустақил билим олишига, ҳунар ўрганишга шарт-шароит яратилади ва уларнинг дарсга қизиқиши ортади. Янги ўқув дастурининг тарбия жараёнидаги асосий вазифаси барча ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва яратувчанликка йўналтиришдан иборат. Биз ўқитувчилар дарс жараёнида биринчи навбатда ўқувчиларга фанларни ўқитишда чуқур билим бериш билан бирга, уларнинг илмга қизиқишини, меҳнат қилишга тарбиялаб боришни эсдан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг асосий вазифаси фақат билим беришга эмас, таълим бериш жараёнини тўғри ташкил етишни, янгиликларни узлуксиз киритиб боришни, яний инновацион хизмат қилишни талаб этмоқда. Ўқитувчининг инновацион хизматини шакллантириш босқичлари қуйидагилар.

Биринчи босқич-тайёр методик кўрсатмалар аниқ этиб тайёрланади.

Иккинчи босқич-айрим янги методик усуллар киритилади.

Учинчи босқич-янги ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, тури тўлиқ ишланади.

Тўртинчи босқич-ўқитувчи таълим ва тарбиянинг янги технологиясини ишлаб чиқиши мўмкин.

Ҳозирги кунда билим бериш жараёнида интерфаол методлар,

инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларни қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар ўқувчилар эгаллаган билимларини ўзлари изланиб топишга, мустақил ўрганиб,таҳлил этишга ҳатто ҳулоса қилишга ўргатади. Шундай экан бу талабларни амалга оширишда ҳар бир ўқитувчи ўзининг педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориши, бунинг учун аввало педагогик технологияларни тўғри танлаш талаб этилади.

Энг асосийси ўқитувчи ўзининг эгаллаган билимларини таълим-тарбия жараёнида юқори педагогик маҳорат билан қўллаш олиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади. Бундай билим бериш масканларида педагогик хизматларини шу вақтгача қўлланиб,юқори натижаларга эришиб келатган ўзига ҳос таълим-тарбия методларини шакллантиришнинг четда қолмаслиги ва қандайда бир педагогик технология турини қўллаш мақсадга мувофиқ деган ҳулосага келиш керак.Замонавий педагогик технологияларни, инновацияларни дарсда қўллаш орқали ўқитувчининг ҳақиқий таълим хизматига ўтишга шароит яратилади. Ўқитувчи ўқувчини ўқитибгина қолмасдан, ўқувчини билимларини ўрганиши, ўқувчини ўзлаштириш даражаси қийин бўлган маълумотларни ўргатишга бошчилик этади. Ўқитувчи қўлайли осон усулда методларни тўғри танлаб олиш ва амалиётда самарали қўллаш орқали ўз педагогик маҳоратини ўқувчиларнинг эгаллаган билимларидаги шакланган компетенцияларнинг сифати ва тарбиявий даражасини узликсиз орттириб боришдан ибарат.

Foydalanilgan adabiyotlar:



1. Ишмухаммедов Р. Табиатда инновацион технологиялар-Т:-Фан ва технологиялари нашриёти. 2010
2. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация.-Т:-Фан ва технологиялар нашриёти. 2010.
3. Йўлдошев. Ж, С.Хасанов Педагогик технологиялар. –Т- Молия-иқтисод нашриёти. 2009
4. Мирзахмедов.Б, Г.Офуров.Н, ва бошқалар. Физика ўқитиш назарияси ва методикаси Тошкент-2010.
5. Ж.Г.Йўлдошев, С.А.Усмонов Замоновий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш Тошкент-2008й.